

**Нурилла ОРИПОВ**

# **УМИД ШҮЛЬЛАСИ**

(шерлар)


Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2005

84(59)6-5

Юракдаги туйгуларга исм изламоқ түгёни кўнгилни шеър мулкига бошлаб боради. Ижодкор Нурулло Ориповнинг ушбу «Умид шуъласи» китабидаги шеърлар ана шу дил туфёнларининг маҳсулидир.

**Мухаррир: Йўлдошбек КЕНЖА**

10 31493  
09,



10

O 4702620202-343 343 -2005  
376 (05) 2005

© Н.Орипов- 2005

ISBN 5-7323-0505

## ИЖОДКОР ИНСОН



Нурилла Орипов 1965 йил 13 июлда  
Кашкадарё вилоятининг Фузор туманида  
туғилган.

1982 йилда ҳозирги Фирдавсий номли 7  
сон ўрта мактабни тугатди. 1982-1987  
йилларда Фузор курилиш техникумидан  
үқиди. Ўқишни тамомлагандан бўён турли  
соҳаларда ишлаб келади. Шеърлари  
туман газетасида бир неча бор эълон  
килинган.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолияти  
билин шуғуланиб келмоқда.

Ушбу китобими мен учун энг азиз ва суюкли  
инсон бўлган, ҳайтимнинг барча дамларида менга  
хамдард, ҳамнафас бўлган турмуш ўргоним  
Зарипова Гулсумга бағишлийман.

*Муаллиф.*

### СЕВДИМ

Мен севдим,  
Қалбимни пора этишди,  
Мен севдим,  
Севгимни овора этишди.  
Мен севдим,  
Дўстларим бағрим этди хун,  
Мен севдим,  
Хижронда қолдим туну кун.  
Мен севдим,  
Сен менга боқмадинг гўзал,  
Мен севдим,  
Ўзгани кўрибсан афзал.  
Мен севдим,  
Иўлимга тузоқ қўйишиди,  
Мен севдим,  
Бизларни узоқ қўйишиди.  
Мен севдим,  
Билишсин бу дунё, бу ҳалқ,  
Мен севдим,  
Бир умр баҳт юрагимда балқ!

## СЕНИНГ ЖАВОБИНГ

Мен айтдим: Токи бор хузур ҳаловат,  
Фам-алам чекмоққа йўқдур ҳеч ҳожат.  
Сен айтдинг: Токи бор гина-адоват,  
Инсонлар ичида борму адолат?  
Мен айтдим: Севгидан топинг баҳт-икбол,  
Севишган юраклар топмасин завол.  
Сен айтдинг: Бор экан вафосиз баттол,  
Севгидан баҳт-икбол топмоқлик маҳол.  
Мен айтдим: Яхши дўст бўлса ёнингда,  
Бир умр ҳавф солмас ўлим жонингга.  
Сен айтдинг: Тушса гар мушкул бошингга.  
Яхши дўст ҳам қочар келмай қошингга.  
Мен айтдим: Қандайин яшамоқ даркор,  
Бўлмай ҳеч фам-алам, баттолга дучор.  
Сен айтдинг: Ўйладим тунлари бедор,  
Лекин жавоб йўқдур, барчаси бекор.

## СЕВГИМ

Тонг маҳали учрашган здик,  
Мен севгимни айладим баён.  
Тинч қўймасди шубҳаю ҳадик,  
Мен билдимки севганим аён.  
Қалблар ёнар эди чўғ каби,  
Сувга тўла оқарди анхор.  
Мажнунтолнинг ёқиши сабаби,  
Шу севгидан эди хабардор.  
Йўл олардим толнинг тагига,  
Қўзларимда ялтиради ёш.  
Қалб талпинар висол дардидা,  
Мұҳаббатим сўради бардош.  
Мана энди сен қўёш каби,  
Нуринг сочиб ўтдинг бошимга.  
Илк бор ёзиб севги мактуби,  
Чакирдим мен сени қошимга.  
Майли ёниб бўлайнин ёхуд,  
Сен ташлаган чўғнинг қурбони.  
Севгим қолар мисоли ёкут,  
Гу умримнинг ўтса ҳам они.

## ИШҚИНГДА ЁНИБ

Сенингсиз илҳомим келмайди жўшиб,  
Юрагим сенингсиз адодур-адо.  
Илтимос мени ҳам олгин сен қўшиб,  
Ишқингга барвақтрок бўлдим мубтало.  
Сўзларим қолмади сенга айтмаган,  
Шеърларим бариси сўйлар номингни.  
Балким мактубларим бориб етмаган,  
Ларзага солмаган балким дилингни.  
Муҳаббат- қанчалар жарангдор бу сўз,  
Икки ёш юракка бергувчи илҳом.  
Ишқ севги йўлидан борар неча юз,  
Неча миллион унинг ҳамроҳи мудом.

## ШЕЪРЛАРИМ

Илк бора қофия билан сўзладим,  
Шеърият боғига кирмоқ кўзладим.  
Қалбдаги армонлар билан бўзладим,  
Оқ қофоз қўйнига кўчди шеърларим.  
Шеърият вужудим қамради олди,  
Баъзида кўзларим, қулим ҳам толди.  
Адашган пайтларим иўлига солди,  
Оқ қофоз қўйнига кўчди шеърларим.  
Ҳаётим кувончи, ҳасратларимдан,  
Чарчаган пайтимда ғайратларимдан.  
Қалбимни забт этган муҳаббатимдан,  
Оқ қофоз қўйнига кўчди шеърларим.  
Шеър ила яшадим, яшагум абад,  
Шеър ила айлагум тоат ибодат.  
Оллоҳдан тилагим фақат ва фақат,  
Оқ қофоз қўйнига кўчсин шёърларим.

## АЁЛЛАР

Уйда ишни қойиллатиб, бозорни ҳам дүндириган.  
Бошга қийик рүмөлларни хилпиратиб қүндириган,  
Биз эркаклар юрагини олов бўлиб ёндириган.  
Ерда сизсиз ҳаёт йўқдир бор бўлинг, сиз аёллар!

Доимо сиз ташвишдасиз эрим қорни тўқми деб,  
Хавотирда юрасизлар бошқа ёри йўқми деб.  
Рашк қилганда қидирасиз ширин сўзи дўқми деб,  
Рўзгор учун таянч сиз ҳам, қалқонсиз, сиз аёллар.

Эрта саҳар ишни бошлаб, уни тугатган тунда,  
Болам, чақам хештим деб зир югурасизлар кунда.  
Эрни эр ҳам, қоро ер ҳам қилганлигинги чинда,  
Камчиликсиз парвардигор дейшганку аёллар.

Пайгамбарга она бўлган, тўқкан Амир Темурни,  
Бир қўлида овқат қилиб, муштлагансиз хамирни.  
Қучогида бола билан оқартирган тандирни,  
Бутун ҳаёт ташвишлари сизга манзур аёллар.

Барibir сиз борлигинги учун гўзал бу олам,  
Сиз бор учун муҳаббат бор - шеърлар ёзмоқда қалам.  
Қадрингизга етмаганлар қиласверишин алам,  
Она, сингил, севикили ёр бўлиб қолинг аёллар.

Момо ҳаво авлодисиз, сизга таҳсин қутловлар,  
Сизни асраб эъзоэлайди ёш-ялангу чоллар.  
Сизни ўйлаб ҳар томонга учмоқдадур хаёллар,  
Бизга илҳом бағишловчи гўзалсизлар аёллар.

## МУАЛЛИМ

Мактаб эшигига қўйганда қадам,  
Сиз менга онамдек бўлдингиз ҳамдам.  
Ҳаёт йўлларини кўрсатиб хардам,  
Кўзим очиб менга бердингиз таълим.  
Бугун таъзим сизга устоз муаллим,  
Китоблар қалитин олдим кўлимга.  
Қалам, дафтарларим ҳамроҳ йўлимга.  
Маърифат нурини солиб дилимга.  
Кўзим очиб менга бердингиз таълим.  
Бугун таъзим сизга устоз муаллим.  
Келажагим сизла нурафшон бугун,  
Ҳаётим қувончли йўлларим гулгун.  
Билим-ла ёчолдим мен барча тугун,  
Кўзим очиб менга бердингиз таълим,  
Бугун таъзим сизга устоз муаллим.

## ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил деб аталгувчи мўъжиза бор,  
Унга шерик мудом қишу оппоқ қор.  
Корбобо ҳам арча билан бўлар тайёр,  
Бизга қувонч келтиргувчи янги йилим!

Янги йилда совға олар ҳамма бола,  
Уйга меҳмон бўлишади амма, хола.  
Дастурхонлар нозу-нематларга тўла,  
Бизга қувонч келтиргувчи янги йилим.

Арча безаб қиласар ҳамма ўйин-кулги,  
Бири маймун никобида оири тулки.  
Қувонмасдан бўладими янги йилки,  
Бизга қувонч келтиргувчи янги йилим.

Янги йил ҳам янги баҳтлар билан бўлсин,  
Ўймизга омад кирсинг, нурга тўлсин.  
Толеимиз порлок бўлиб диллар кулсин,  
Бизга қувонч келтиргувчи янги йилим.

## АРМОН

Асли баҳт деб яралган одам,  
Фироқлар, соғинчлар солади дилга.  
Ғанимат күнимиз жаһнат бу дам,  
Умримиз чиройи үхшасин гулга.

Нафосат гулшани нурла яшайлик,  
Насиб этсін ҳар дам севги боллари.  
Ранглар жилосига чирой құшайлик,  
Ардоқда бўлишсин нав-ниҳоллари.

Гарчи бу оламда бўлса ҳам алам,  
Инсонни саклайди меҳр-мухаббат.  
Заррин нурларини бериб қуёш ҳам,  
Армон аёзларин қувади, албат.

## КУТЛОВ

Кимгадир опасиз, кимгадир она,  
Бироғва сингилу кимга қайнона.  
Меҳр-ла қарайсиз, сўзлар дўстона.  
Сизга талпинади мудом кўнгиллар,  
Байрам-ла куттайман, опа-сингиллар.

Гуллар ҳавас қиласр чиройингизга,  
Латофат жозиба ибоингизга.  
Табасум ярашган дудоғингизга,  
Сизга талпинади мудом кўнгиллар.

Хаёт ҳар доим ҳам сиз билан тўлиқ,  
Умр давом этар, келжак ёргуғ.  
Сизнинг борлигинги биз учун ютуқ.  
Сизга талпинади мудом кўнгиллар.  
Байрамла куттайман опа- сингиллар.

Баҳордек очилиб яшнангиз доим,  
Ташвишдан йироқда бўлинг илоҳим.  
Сизни паноҳига олсин худойим,  
Сизга талпинади мудом кўнгиллар.  
Байрам-ла куттайман опа-сингиллар.

## **АЧИНАМАН**

Келмадингиз сүраб ҳол-ақвол,  
Юрак бежо, вужудим беҳол.  
Хижрон үртар тортади висол,  
Ачинаман муҳаббатимга.

Қайда қолди у жүшкін ёшлик,  
Қайнаган кон қылған бебошлиқ.  
Севги экан күзлари ёшлик,  
Ачинаман муҳаббатимга.

Сизде ҳам бор эди муҳаббат,  
Севмаганман деманғ сиз фақат.  
Әгилару синмас ҳақиқат,  
Ачинаман муҳаббатимга.

Севгим йўли жуда ҳам вайрон,  
Унутмоқса қўймади хижрон.  
Аро йўлда қолганман ҳайрон,  
Ачинаман муҳаббатимга .

## НАВРҮЗ

Янгича яшаймиз хүрлик истиқол,  
Халқимга көлтирган буюк истиқбол.  
Энді ишлаганнинг топгани ҳалол,  
Халқим сенга айтай самимий тилак.  
Янги йил, янги кун-Наврүз муборак.

Янги кун туғилар янги замонда,  
Наврүз қадам құяр үлкам томонга.  
Ранглар жилоланар тибу-камонда,  
Халқим сенга айтай самимий тилак,  
Янги йил, янги кун- Наврүз муборак.

Табиат уйғонар, уйғонар борлық,  
Дараҳтлар күз очар гулларда оқыл.  
Гуллар базм қуар, күп вақтикоқлик.  
Халқим сенга айтай самимий тилак,  
Янги йил, янги кун- Наврүз муборак.

Гаштинг ўзгачадир ҳаммага аён,  
Наврүзим шодлигим ёйилган ҳар ён.  
Мен ҳам юракдагин айладым баён,  
Халқим сенга айтай самимий тилак,  
Янги йил янги, кун- Наврүз муборак.

## СЕВГИ АЗОБИ

Қовжирар вужудим сўлиған гулдек,  
Ўйларим қийнайди согинч азоби.  
Севгим ниҳоясиз, поёнсиз йўлдек,  
Ўзига тортмоқда вақтнинг гирдоби.

Сизни севаману, сизга ҳеч кимман,  
Сиз-ла орамизда масофа йирок.  
Сўзлашгим келару тилим лол жимман,  
Қани сиз парвона, мен бўлсан чирок.

Эртароқ очилди менинг гулларим,  
Тиканлар санчилар оёқ-қулимга.  
Сизга талпинганда боғлиқ йўлларим,  
Нечун яшаяпман дейман ўзимга.

## **СИЗГА БАҒИШЛАДИМ**

Вақтдур олий ҳакам биз учун жоним,  
Азиздур ҳар сония, ҳар бир кунимиз.  
Зарурат ҳар йүлга солар бетиним,  
Истак хоҳишиларга қулдур дилимиз.  
Ранг берар умрга мұхаббат асли,  
Аслида чиройли сөвги ёр васли.  
Сиз билан баҳордир ёзу кузим ҳам,  
Еллар тутқич бермас хәёлларимга.  
Васлингиз хуморин тортгум үзим ҳам,  
Ачининг сиз менинг ахволларимга.  
Мадхингиз айладим шеърларимга жо,  
Афсона тұқидим жамолингизга.  
Насиб этсин дедим, қилиб илтижо,  
Бунчалар севаман сизни эй, худо!

## ХАЁТ ТҮХТАМАС

Ииллар, кунлар күринмайды унинг адоги,  
Неча бор яшнайды дараҳт япроги.  
Гоҳида осмондан ёмғир томчилар,  
Қаҳратон қишиларда аёз қамчилар.  
Езниг иссигидан панаалар вужуд,  
Барча кун ўтиб бўлади унут.  
Ииллар кунлар күринмайды унинг адоги,  
Фақат кўнгилларда севги ардоғи.  
Фақат юракларда муҳаббат доғи,  
Қалбнинг чўққисига қўнар байроғи.  
Уткинчи бу умр орта қайтмайди,  
Кимлар севаман деб қизга айтмайди.  
Тунлари тўлғонар бу севган тана,  
Кундуз висолига талпинар яна.  
Баъзан муҳаббатга қоламан ҳайрон,  
Тўғридан юрмайди йўли кўп вайрон.  
Кўплаб тўсиқларга урад ўзини,  
Баъзан хира қиласр алғон кўзини.  
Гоҳо ҳавасларга алданиб қолар,  
Гоҳо борса келмас йўлларга солар.  
Ииллар, кунлар күринмайды унинг адоги,  
Инсонни тарк этмас севги қийноғи.  
Бир зум севганимга тушсин деб нигоҳ,  
Ҳатто ўлар чори юрак урад оҳ.  
Ҳатто танадан руҳ кетса ҳам учиб,  
Севги ерга кетар юракни кучиб.  
Яна бир зурриёт дунёга келар,  
Ииллар, кунлар күринмайды унинг адоги,  
Инсон бор, севги бор, бордур қийноғи.

## КУТГАНИМ

Келажак дурдонаси,  
Үзбек-тожик боласи.  
Келди гапнинг хонаси,  
Мен орзиқиб кутганим.

Ўғимисан, қизмисан,  
Бир чиройли юзмисан?  
Сен бизнинг юлдузмисан,  
Мен орзиқиб кутганим?

Киз бўлсанг ҳам начора,  
Қўп қилмагин овора.  
Ўғил бўсайдинг зора,  
Мен орзиқиб кутганим.

Ўғил бўлсанг тўй қилай,  
Сенга кўркам уй қилай.  
Элга бош бўл, бий қилай,  
Мен орзиқиб кутганим.

Тўлиб оққин сойдайин,  
Ёринг бўлсин ойдайин.  
Ўзинг юргин бойдайин,  
Мен орзиқиб кутганим.

Уйлантирай ўзингни,  
Ўпай ўғил-қизингни.  
Боссин улар изингни,  
Мен орзиқиб кутганим.

Йигит бўлгин чинакам,  
Мард бўл танти ва ўқтам.  
Сенга баҳт тилай мен ҳам,  
Мен орзиқиб кутганим.

## УМР ЧИРОГИ

Тез-тез буралибми унинг қулоги,  
Е камроқ қолганми ичдаги ёги?  
Еки ўчмоқдами ҳаёт маёғи,  
Охиста сўнмоқда умрим чироги.  
Бир инсон умрининг ярми ўтганмас,  
Рўёбга чиқмади бирорта ҳавас.  
Олдинга боқаман тўхтаб бир нафас,  
Охиста сўнмоқда умрим чироги.  
Бир ўй қийнамоқда мени нетайин,  
Қайга бошим урай, қайга кетайин?  
Фарзандлар камолин нега кўрмайин,  
Охиста сўнмоқда умрим чироги.  
Тортик этолмадим меҳрдан бўлак,  
Беролмадим нетай тўкис келажак.  
Ҳадя этса сизга бор яхши тилак,  
Охиста сўнмоқда умрим чироги.

## МАРЖОНА ҚИЗИМГА

Маржондек терилиб бўйнимга,  
Катта бўл, чопиб кел қўйнимга.  
Баҳордек қувонч сол кўнглимга,  
Маржона, Маржона, Маржона.  
Тизилдинг опалар сафига,  
Улғайгин қўёшнинг тафтига.  
Чиқиб ол баҳт күшин кафтига,  
Маржона, Маржона, Маржона.  
Хаётда ортирган нишоним,  
Эртамнинг таянчи имконим.  
Сен билан ободдур маконим,  
Маржона, Маржона, Маржона.  
Мен бўлсан оиласнинг қўёши,  
Аянгиз оймомо сирдоши,  
Бештдасиз умримиз йўлдоши,  
Маржона, Маржона, Маржона.

## ШЕҮРЛАРИМ ҚОЛДИ

Севишганлар яна ёдимга солди,  
Хижрон азоблари қийноққа олди.  
Қалбим мұхаббатни үйлашдан толди,  
Жұшиб-жұшиб ёзған шеърларим қолди.  
Үттиздан ошибман, ёрдам бер фалак,  
Иўлимни тополмай ҳалакман ҳалак.  
Энди севги демай яшашим керак,  
Жұшиб-жұшиб ёзған шеърларим қолди.  
Энди үтмишни хеч қайтариб бўлмас,  
Энди болалигим хеч қайтиб келмас  
Не-не дафтарларга ёзилган ўлмас  
Жұшиб-жұшиб ёзған шеърларим қолди.

## СИНФДОШЛАРИМ

Мактабга бордиму очилди кўзим,  
Шундан сўнг танидим ўзимни ўзим.  
Илк бора ёзгандим ўшанда исмим,  
Бугун эслаб чиқди кўздан ёшларим.  
Кайларда юрибсиз, синфдошларим?!  
Бегубор болалик ўтган онимиз.  
Олдинга интилдик жўшиб қонимиз,  
Журналларда қолди бизнинг номимиз.  
Бугун эслаб чиқди кўдан ёшларим,  
Кайларда юрибсиз, синфдошларим?!  
Хаёт ҳаммамизни ҳар ёққа отди,  
Кимdir излаб топди, кимdir йўқотди.  
Кимнингдир порлаган қуёши ботди,  
Бугун эслаб чиқди кўздан ёшларим.  
Кайларда юрибсиз, синфдошларим?!  
Энди мактаб борар бизнинг боламиз.  
Қалбига жойлади синфхонамиз,  
Энди орқасидан қараб қоламиз.  
Бугун эслаб чиқди кўздан ёшларим,  
Кайларда юрибсиз, синфдошларим?!

## ТИНГЛАШСА БҮЛДИ

Шоирликни даъво қилмасман сира,  
Шеърларим тилларда янграса бўлди.  
Махкам ўрнашсаю бир неча дилда,  
Хислар оғушида тинглашса бўлди.  
Севги мұхаббатдан шеъларим кўйлар,  
Вафо, садоқатли ёрлар унда жо.  
Ҳаёт, турмуш хақида қилинган ўйлар,  
Худога қилинган баъзан илтижо.  
Кимнингдир қувончи битилса унда,  
Кимнингдир дардига шерик сўзларим.  
Атрофга боқаман ўзгариш кунда,  
Севинч-ла боқади баҳтли кузларим.  
Умидли дунёдан умидвор бўлдим,  
Баъзида хафаю баъзида кулдим.  
Шеърлар оғушида овуниб юрдим,  
Менга тортиқ этди буни худоим.

## СИЗГА

Йиллар тўғонида тобланди қалбим,  
Йиллар юрагимда қолдиришди из.  
Бизни учраштириди тақдири азим,  
Ҳаёт сўқмоғидан юрдик изма-из.  
Нигоҳлар тўқнашар кўзлар махлиё,  
Диллар сўзлашмоқда тиллар эса жим.  
Умримга багишлиңг дейман нур зиё,  
Мухаббат нури-ла ёритсин йўлим.  
Севги деб атамиши ҳис оғушида,  
Фикрим хаёлларим бўлишди асир.  
Сизни севишимни билдим бошида,  
Йўлга тузоқларин кўйибди тақдир.  
Сўқмоқлар калити сиз билан бирга,  
Қалбингиз сўзига тутинг сиз кулок.  
Мени мағтун этган сиздайин қизга,  
Бахту иқбол нурин тилайман ҳар чоқ.

## ШОИР БОЛАМАН

Сиз томонга топайин деб йўл,  
Кезиб чиқдим дала, дашту чўл.  
Сизга айтиб шерлар ёздим мўл,  
Мен сиз билган шоир боламан.

Сизга боқиб кўзларим толган,  
Вужудим титроқлар олган.  
Сизга жуда боғланиб қолган,  
Мен сиз билган шоир боламан.

Излаб келдим мен йиллар ошиб,  
Атадим шеър, жон дилдан жўшиб.  
Сўзлар битдим калб қўрин қушиб.  
Менсиз билган шоир боламан.

Ёрдам истаб қофоз қаламдан,  
Шеър ёзаман шодлик аламдан.  
Умидим бор сиздай санамдан,  
Мен сиз билган шоир боламан.

Шеъларимга муҳлис бўлингиз,  
Менга илҳом берган ўзингиз.  
Ёдимга жо ҳар бир сўзингиз,  
Мен сиз билган шоир боламан.

Бўлинг дея қувончга шерик,  
Диллар севги ишонч-ла тирик.  
Сизга кўнглим эмас бир кунлик,  
Мен сиз билган шоир боламан.

## БАНДИМАН

Неча бор сиздан юз бурмоқчи бўлдим,  
Қайта- қайта қалбим сизни қумсади.  
Гоҳида қайданам севибман дедим,  
Аммо нетай, фақат сизни излади.

Чорасиз бокаман, сизга, ўзимга,  
Ер чизиб қоламан, йўқдур ҳеч имкон.  
Тилларим айланмас айтар сўзимга,  
Балким ҳаёт аччиқ, балким мен ёмон.

Билмадим кўнглингиз кимга боғланган,  
Дилда истаклару мақсадлар пинҳон.  
Фақат кўзларингиз менга чоғланган,  
Ўртада икки дил, икки жон сарсон.

Қалбим бўзламоқда, кўз ёшга тўлди,  
Халоват қолмади бошдан оёқда.  
Наҳотки, муҳаббат туғилди-ўлди,  
Энди сизни излаб топган бир чоқда.

Мажнунтол бошидай эгилди бошим,  
Кайгуларим унутдек ёйлди ҳар ён.  
Ярмига етишган бўлса ҳам ёшим,  
Муҳаббат қўлида бандиман ҳамон.

## ВАТАН

Ваған, бу кун сендаги баҳор ўзгача,  
Сен учун сўзларда изҳор ўзгача.  
Истиқололинг этди бошимни баланд,  
Юртимнинг иқболи илк бор ўзгача.  
Ўзгача нур берар бугун қуёшнинг,  
Бугун лаззатлироқ нон ила ошининг.  
Энг суюқ фарзандсан она заминга,  
Энди ўн тўрт баҳор кўрибди ёшинг.  
Буюк ишлар учун толибсан имкон,  
Ҳалқимга ризқ берган даланг бепоён.  
Мен ҳам бағринг кучиб ўсган ўғлингман,  
Шеър билан меҳримни этдим намоён.

## МУБОРАК БҮЛСИН

Олам күлгингизга солмоқда қулоқ,  
Севгимнинг шамоли келтирди дарак.  
Мени мафтун этган дилбар қизалок,  
Түғилған кунингиз бўлсин муборак.

Ой десам, ойдан ҳам сизсиз гўзалроқ,  
Кун десам ёруғсиз азал қуёшдан.  
Мұхаббат чўғида ёнмоқда ёноқ,  
Севгилим ўш бўлиб ўтинг юз ёшдан.

## КЕЛИН-КҮЁВЛАРГА

Келин турар оқ кўйлақда ой бўлиб,  
Күёв тўра уйланибди бой бўлиб.  
Келин- күёв таъзим қиласр эгиб бош.  
Хасадчининг кўзи оқсин тегиб тош.  
Чимилдиқнинг сири кўпу гали катта,  
Орқасида турмуш қуришар шарта.  
Келин озроқ уйда бўласиз безак,  
Уйда мол бор қилиш керакку тезак.  
Уйни шипир,овқат қил дер қайнона,  
Энди сизга беганадир чин она.  
Кўпам ўтмай болам чақам дейсиз,  
Ким билади ўғил бўларми ё қиз?  
Безанишга қоласиз вақт тополмай,  
Дазмоллайсиз ахир кечда ётолмай.  
Қуёвда ҳам ўтар вақтинча ҳавас,  
Ўз-ўзига энди ясади қафас.  
Ола хуржин асли ўзи гор бўлар,  
Кўзингизга ёргу олам тор бўлар.  
Айтаверсам өзизиб қолманглар яна,  
Ўзи ҳаёт театрдек бир сахна.  
Ҳазил бўлди озроқ сизга айтганим,  
Энди кўринг бу сўзимдан қайтганим.  
Ҳаёт гўзал яшангизлар баҳтиёр,  
Тўй кўпайисин улашсин куйга ёр-ёр.  
Фарзанд кўринг бўлишсинг жуда омон,  
Ота-она бўлингизлар қаҳрамон.  
Улар қуринг, бўлсин унда барака,  
Мехр бўлсин, севги бўлсин юракка.  
Қийин эмас бўлсангиз аҳил- инок,  
Фам кўрмайсиз бўласиз жуда кувноқ

## ҚИЗЛАР, АЁЛЛАР

Юлдуз салтанати осмонга боқиб,  
Сирли ой юзига учар хаёллар.  
Қани мен дарёдек кетолсам оқиб,  
Мен севган, севмаган, қизлар, аёллар.  
Жонни жисмингизга этолсам фидо,  
Юзида табассум, лабида боллар.  
Марварид зумраду олтиндан аъло,  
Мен билган, билмаган, қизлар, аёллар.  
Мұхаббат таъқибин қўймас тинимсиз,  
Менда ҳам бўлмоқда қўйналган ҳоллар.  
Бирингиз опаю, бирлар сингилсиз,  
Севган, севолмаган, қизлар, аёллар.  
Ешлигим ўтдию бўлдим ўрта ёш,  
Усдию қирқилди тераку толлар.  
Шунча йил сиз менга қилгансиз бардош,  
Севги деб йиғлаган қизлар, аёллар.

## МУҲАББАТ ИЗИ

Мұхаббат қаритди мени, эй жоним,  
Мұхаббат танадан кетгазди дармон.  
Совуди бир вақтлар қайнаган қоним,  
Тамғалар қолдириди юракка армон.  
Оқ соchlар ўрмалад чикди калладан,  
Ажинлар юзимга келди бостириб.  
Севги эсталиқдур ёшлини палладан,  
Бўйнимга тошини қўйди остириб.  
Излади севгини толикиб кўзлар,  
Мұхаббат ортидан қолдириди бир из.  
Мияда ўрнашди севгидан сўзлар,  
Кайларда юрибсиз сехрлаған қиз?  
Кун сайин күринар ишқининг поёни,  
Фақат севги дея ҳайқирап юрак.  
Бир кун бузилса ҳам ҳаёт айвони,  
Оллоҳга минг шукр қилишим керак.

## СЕВИШГАНЛАРГА

Замон-замон бўлиб ўтишди йиллар,  
Умр дарёсида бўгланди диллар.  
Мангу оловини ёкиб мухаббат,  
Рўмол учларидек тугилсин фақат.  
АЗИЗ инсон сизга азиздир мудом,  
Дилнинг булогидан сув ичган калом.  
Икки йўл бошидан олинсин тўсик,  
Баралла кўйлансин севгидан кўшиқ.  
Рост эрур қанчалар оғир оқибат,  
Олис-олислардан қўшилган қисмат.  
Ҳамон висол учун талпинар мақсад,  
Инсон севги билан тириқдур фасад.  
Мен ҳам бу шеъримни айладим тортиқ,  
Бахтдан ўзга нима тилайин ортиқ.

## ХАЁТ Дафтари

Неча бор ёзилиб, не бор чатилди,  
Варағи йиртилиб пўсти катилди.  
Неча бор ўқилиб ерга отилди,  
Менинг ҳаётимнинг ўчмас дафтари.

Кўлдан кўлга ўтиб ўқилган сари,  
Хавога учишди унинг ҳарфлари.  
Қайларга отилди қоғоз капитари,  
Менинг ҳаётимнинг ўчмас дафтари.

Унда қанча пинҳон сўзлар бор эди,  
Мен деб излаган кўзлар бор эди.  
Мен севган, севмаган қизлар бор эди,  
Менинг ҳаётимнинг ўчмас дафтари.

Менга дейишса ҳам қайғудан нари,  
Хаёт нуқтасини қўйгунча хали.  
Кўп марта ёзилиб чатилар бари,  
Менинг ҳаётимнинг ўчмас дафтари.

## ХАЁТ ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ

Күнлар сувдек оқаверади,  
Кимдир кимга ёқаверади.  
Кимдир никоҳ узукни ечса.  
Яна кимдир тақаверади.

Йигит қизга боқаверади,  
Дилни севги ёқаверади.  
Кимдир рози, ким эса ийүк дер.  
Совчи эшик қоқаверади.

Түй деб пулни сочаверади,  
Үй эшигин очаверади.  
Хотин эса бўғзидан олса,  
Йигит уйдан қочаверади.

## **ҚАЛБИМДА МУҲАББАТ ОЧГАНДА ЧЕЧАК**

Вазира Кизимга

Сен севгим боғида очиган лола,  
Үғил деб куттаним бўлдинг қизбола.  
Қолган умрим энди сенга ҳавола,  
Номинг юрагимдан чиқсан Вазирал.

Майли қизлар билан тўлсаям этак,  
Қалбимда муҳаббат очганда чечак.  
Сен билан намоён бўлди келажак,  
Номинг юрагимдан чиқсан Вазирал.

Бахт ила шодниклар сенга армуғон,  
Улуғ мақсадларга очилсин имкон.  
Кизим тилаким шу-бўл азиз инсон,  
Номинг юрагимдан чиқсан Вазирал.

## ҚИЗГИНА

Йүлинг ёруғ ой билан,  
Дилни тешдинг ёй билан.  
Бұлмоқчисан бой билан,  
Мен севган қыз, қизгина,  
Сен чиройли юзгина.

Санағ үтдим мен кунни,  
Ишқинг қилди-ку жинни.  
Бедор үтказдим тунни,  
Мен севган қыз, қизгина,  
Сен чиройлик юзгина.

Күлга олиб қаламни,  
Кимдан олай аламни?  
Севдим сендай лоламни,  
Мен севган қыз қизгина,  
Сен чиройлик юзгина.

## ЙҮК

Мен сизни юракдан ўчирганим йўқ,  
Сизни армонларга кўчирганим йўқ.  
Айрилиқ сувидан ичирганим йўқ,  
Жоним сиздан бўлсин доим кўнглим тўқ.

Хуркак охудайин қочирганим йўқ,  
Тақдирдан мен фоллар очирганим йўқ.  
Бошингиздан гуллар сочирганим йўқ,  
Жоним сиздан бўлсин доим кўнглилм тўқ.

Сиздан мен севгимни яширганим йўқ,  
Йўғимни бор қилиб оширганим йўқ.  
Мени ҳам севинг деб шоширганим йўқ,  
Жоним сиздан бўлсин доим кўнглим тўқ.

## ХОТИН

Севгидан энтикиб сурсамда хаёл,  
Тутманг сиз ҳеч қачон рашк деган отни.  
Сиз менинг умримда ягона аёл,  
Сиздан бошқа менинг кимим бор хотин?!

Шеърларга ёзганман отларни қўйиб,  
Кўкларга кўтариб аёллар зотин.  
Ахир ёзганманку ҳазилга йўйиб,  
Сиздан бошқа менинг кимим бор хотин?!

Ким ҳам эсламайди ўз севган ёрин,  
Шеърларга жо этдим кўнгил изҳорин.  
Сизга сўзлай дедим юракда борин,  
Сиздан бошқа менинг кимим бор хотин?!

Баъзан ўксинтирган мени бу ҳаёт,  
Иўлимда боғланди қанчалар тугун.  
Менам қисматингга шерик одамзод,  
Сиздан бошқа менинг кимим бор хотин?!

## БАХОР ЭДИ ЎШАНДА

Кунлар ўтиб бир куни,  
Айни баҳор чоғ эди.  
Эслаб қолдим шу кунни,  
Кўнглим жуда тоғ эди.

Яшнардингиз гул каби,  
Юрак ўртанди бежо.  
Сизни севмоқ сабаби,  
Дилга солибди худо.

Мен қучдим гўё кўкни,  
Яйрадим мисли кантар.  
Ютиб ишқ деган ўқни,  
Шеър ёздим неча дафтар.

Нафасни ичга ютиб,  
Сизга этгандим баён.  
Рад эдингиз сиз кулиб,  
Пичноқсиз сўйиб жонон.

Зулмат қоплади кунни,  
Фикрлар илма тешик.  
Ишқ уйда мен жинни,  
Ёлиб кетдингиз эшик.

Сочга гўё ёғди қор,  
Сўлиди кулган юзим.  
Мендан қилдингизми ор,  
Еки ёқмадим ўзим?

Сизни севган ўша дам,  
Баҳор эди қисқаси.  
Энди баҳор келса ҳам,  
Кишининг келар нафаси.

## ЧАРОСХОНГА

Бугун сиз бўлибсиз гўзал келинчак,  
Бунда айтишмоқда ҳофизлар ёр-ёр.  
Доимо сиз билан бўлсин беланчак,  
Куёв сизга ёру сиз бўлинг дилдор.

Орзу тилагингиз ушалсин ҳар дам,  
Бахт бўлсин ҳаётда йўлчи-ю йўлдош.  
Мехру муҳаббатга боғлансин дил ҳам,  
Куёв гар ер бўлса, сиз бўлинг қуёш.

Борган уйингизга киринг нур бўлиб,  
Остона ҳатлайлик очинг сиз эшик.  
Бахти қарши олинг очилиб кулиб,  
Синглим, келтирайлик сизгаям бешик.

## АЛДАНДИМ

Күзларим йўлинга пойлокчи,  
Бўларми хислар ҳам алдоқчи.  
Кулогим сўзларга айгоқчи,  
Бунчалар бойланиб меҳрингга,  
Қандайин алдандим сеҳрингга.

Юракда севгидан жароҳат,  
Бунчалар экансан аломат.  
Худодан кутиб мен каромат,  
Бунчалар бойланиб меҳрингга,  
Қандайин алдандим сеҳрингга.

Тиканлар санчилса пошнамга,  
Дардимни айтаман ошнамга.  
Чидайман тъянаю дашномга,  
Бунчалар бойланиб меҳрингга,  
Қандайин алдандим сеҳрингга.

Мухаббат мен учун дард эмас,  
Севмаган эркаклар мард эмас.  
Севгач сўнг афсуслар шарт эмас,  
Бунчалар бойланиб меҳрингга,  
Қандайин алдандим сеҳрингга.

## УМР ЙҮЛДОШИМГА

Сиздан ўзга менга ёр эмас,  
Мен күйчига қызлар зор эмас.  
Күчогимда ўзга бор эмас,  
Хотин сизкү умр йүлдошим,  
Бир ёстикқа қўйилган бошим.

Кўнгил қурғур нелар демайди,  
Кимларга кўз бориб кетмайди.  
Сиздан ўзга ғамим емайди,  
Хотин сизкү умр йүлдошим,  
Бир ёстикқа қўйилган бошим.

Кўп қызларга атаб шеър ёздим,  
Севдим дея кўп марта оздим.  
Ўзимга мен ўзим чоҳ қаздим,  
Хотин сизкү мур йўлдошим,  
Бир ёстикқа қўйилган бошим.

Болаларку жуда ҳали ёш,  
Кўз деб билмай қўйишади қош.  
Барчасидан тилайман бардош,  
Хотин сизкү умр йўдошим,  
Бир ёстикқа қўйилган бошим.

Бир ўтириб ўйласам тунов,  
Тақдир йўли қўйди кўп синов.  
Ўртамизда йўқ экан әлдов,  
Хотин сизкү умр йўлдошим,  
Бир ёстикқа қўйилган бошим.

## **МУҲАББАТИМ ЧҮГИ БОР**

Күнглим оппоқ қордай бегубор,  
Үнда ёрим сизнинг севги бор.  
Қалбимни қоплаган асло муз эмас,  
Мұхаббат қүёши ёқкан чүги бор.

Кишини совуғимас мени титратган,  
Әғриқмас тұнлари мени бўзлатган.  
Ерим сизни фақат сизни севгингиз,  
Менга кувват бериб, сизни излатган.

Гоҳида кор қоллар менинг йўлимни,  
Бўронга гоҳ қарши қўйгум қўлимини.  
Тинмайин чорлайди сиздаги шуъла,  
Бир қараб қўяман ўнгу сўлимни.

Дерлар мұхаббатнинг тимсоли баҳор,  
Қай булбул гулига бўлғувсидир зор.  
Келдим инсон бўлиб булбулдек яшаб,  
Кўлимда қаламу, дилда ёрим бор.

## МУНДАРИЖА

Севдим.....	3
Сенинг жавобинг.....	4
Севгим.....	4
Ишқингда ёниб.....	5
Шеърларим.....	5
Аёллар.....	6
Муаллим.....	7
Янги йил.....	7
Армон.....	8
Кутлов.....	8
Ачинаман.....	9
Наврӯз.....	10
Севги азоби.....	10
Сизга бағишладим.....	11
Хайёт тұхтамас.....	12
Күттаним.....	13
Умр чироги.....	14
Маржона қызимга.....	14
Шеърларим қолди.....	15
Синфдошларим.....	15
Тинглашса бўлди.....	16
Сизга.....	16
Шоир боламан.....	17
Бандиман.....	18
Ватан.....	18
Муборак бўлсин.....	19
Келин-куёвларга.....	19
Кизлар, аёллар.....	20
Мұҳаббат изи.....	20
Севишганларга.....	21
Хайёт дафтари.....	21
Хайёт даюм этаверади.....	22
Қалбимда мұҳаббат очганда чечак.....	23
Кизгинам.....	24
Йўқ.....	25
Хотин.....	25
Баҳор эди ўшанда.....	26
Чаросжонга.....	27
Алдандим.....	28
Умр йўлдошим.....	29
Мұҳаббагим чўғи бор.....	30

**Нурилла ОРИПОВ**

**УМИД ШУЪЛАСИ**

*Шеърлар*

*Муҳаррир:* Йўлдошбек Кенжа.

*Техник муҳаррир:* Самандар Мусаев.

*Мусахҳиҳ:* Мусо Тўлаганов

*Компьютерчи:* Алиёр Муродов

**ИБ № 0862**

Теришга 3. 05. 2005 йилда берилди. Босишга 18.05. 2005 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/32. Газета қофози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма таборги 1,9 Шартли бўёқ-оттиск 1,7 Нашр босма таборги 2,0. 500 нусхада. 50 2005 -шартнома 20-76 буюртма. Эркин нархда.

**“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-йи.**

„Графика” МЧЖ. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси.